


“Ўзпахтасаноат”
акциядорлик жамиятини
тугатиш
Лойиха офиси



**Проектный офис
ликвидации
акционерного общества
«Узпахтасаноат»**

100070, Тошкент шаҳар Ш.Руставели кўчаси
8а уй, тел.: (+99871) 202-04-00 /145, 602
www.uzpakhta.uz e-mail: info@uzpakhta.uz

100070 г.Тошкент, ул. Ш.Руставели 8а,
Тел.: (+99871) 202-04-00 /145, 602
www.uzpakhta.uz e-mail: info@uzpakhta.uz

ШМ-12/640 -сон

2022 йил “21” июнь

**“Пахтасаноат” ҲБ АЖ
тугатиш комиссиясига**

**Пахта тозалаш корхоналари
раҳбарларига**


“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиха офиси томонидан 2022 йил 14 июндаги ШМ-12/640-сон “Пахтасаноат” ҲБ АЖ ва пахта тозалаш корхоналарининг ташкилий тузилмаси ҳамда штат жадвали лойиҳалари тавсия сифатида юборилган топшириқ хатига қўшимча тарзда куйидагиларни маълум қилади.

Ташкилот, корхоналарнинг юридик хизмат ходимлари фаолиятининг асосий йўналишлари ўз ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинаётган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, корхона ва ташкилотларнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳисобланади.


Бинобарин, ҳозирги кунда, “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарини тугатиш жараёнида иш ҳажмининг ортганлиги, акциядорлик жамиятларининг кластер корхоналари олдидаги муддати ўтган дебитор қарздорликларини ундириш, талабнома-даъво ишлари кўпайганлигини инобатга олиб, мазкур ишларни ташкиллаштиришда, судларда жамият манфаатларини ҳимоя қилишда жамиятлардаги юрисконсулт лавозимини сақлаб қолинишини тақазо этмоқда.

Шунга кўра, тақдим этилган пахта тозалаш корхоналарининг тавсиявий ташкилий тузилма ва штатлар жадвалида жамият юрисконсулт лавозимини қисқартирмаслик тавсия этилади.

**“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш
Лойиха офиси раҳбари**


А. Химматов

“Ўзпахтасаноат”
акциядорлик жамиятини
тугатиш
Лойиҳа офиси



Проектный офис
ликвидации
акционерного общества
«Узпахтасаноат»

100070, Тошкент шаҳар Ш.Рустамов кўчаси
8а ун. тел: (+99871) 202-04-00/145, 602
www.uzpakhtasanoat.uz e-mail: info@uzpakhtasanoat.uz

100070, Ташкент ул. Ш.Рустамов 8а,
Тел.: (+99871) 202-04-00/145, 602
www.uzpakhtasanoat.uz e-mail: info@uzpakhtasanoat.uz

[Handwritten signature] -сон

2022 йил “14” *[Handwritten date]*

“Пахтасаноат” ҲБ АЖ
тугатиш комиссиясига

Пахта тозалаш корхоналари
раҳбарларига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 14 майда тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Йўл харитаси”га асосан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарнинг кўчмас мулк, акция пакетлари, улушларини белгиланган тартибда оммавий савдоларда сотиш ва жамиятни тугатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Пахтасаноат” ҲБ АЖ ва пахта тозалаш корхоналарининг ташкилий тузилмаси ҳамда штат жадвали лойиҳалари тавсия сифатида юборилмоқда.

Шунга кўра, иловадаги тавсиявий ташкилий тузилма ва штат жадвали лойиҳаларини белгиланган тартибда акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишларида кўриб чиқиб, йиғилиш қарори билан тасдиқлаш ҳамда нусхасини “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офисига тақдим этиш сўралади.

Ташкилий тузилма ва штат жадвали лойиҳалари _____ варақда илова қилинади.

“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш
Лойиҳа офиси раҳбари
ўринбосари

[Handwritten signature] Ш.Маматов


Ижрочи: Х.Жумаев
Тел: 71-202-04-00(608)

"Шеробод пахта тозалаш" АЖ
акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг
2022 йил " 23 " июндаги
қарори билан тасдиқланган



"Шеробод пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг ташкилий

ТУЗИЛМАСИ



"Шеробод пахта тозалаш" АЖ
акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг
2022 йил " 23 "июньдаги
қарори билан тасдиқланган



"Шеробод пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг бошқарув аппарати ва мутахассис
ходимларининг
ШТАТ ЖАДВАЛИ

" 01 " июнь 2022 йилдан.

МҲТЭКМ 920 000 сўм

№	Лавозимлар	Штат ўрни	Тариф разряди	Тариф коэффициенти	Ойлик иш оклади, сўм	Жами иш ҳақи, сўм
1	Бош Директор	1	13	3,426	3 151 920	3 151 920
2	Бош бухгалтер	1	11	3,021	2 779 320	2 779 320
3	Ҳуқуқшунос маслаҳатчи	1	10	2,825	2 598 540	2 598 540
4	Механик (моддий жавобгар шахс)	1	10	2,825	2 598 540	2 598 540
5	Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис	1	10	2,825	2 598 540	2 598 540
6	Иш ҳақи ва материал харажатлар бўйича мутахассис	1	9	2,633	2 421 900	2 421 900
	Корхона бўйича жами	6		х	х	16 148 760

"И Ш Л А Б Ч И Қ И Л Г А Н"

Бош бухгалтер:

Ҳуқуқшунос:

Изоҳ:

1. Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассисга кадрлар ва ижро назорати вазибалари юклатилади.

2. Ишлаб чиқариш заруриятига кўра, кўшимча тарзда ходимни ишга қабул қилиш вилоят "Пахтаसानот" ҲАБ АЖ тугатиш комиссияси билан олдиндан келишилган ҳолда, фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида амалга оширилиши мумкин..



Ғ.Бойназаров

А.Мисиров